

Нефт маҳсулотларини етказиб бериш ҳақидаги ШАРТНОМА № 8

“21” январ 2022 йил

Шовот тумани

“_____ Шовот туман Ободонлаштириш бошқармаси_____” нинг қўйида “Истеъмолчи” деб номланувчи жамият номидан Низоми асосида фаолият юритувчи бошлиғи _____М.Қурбонов_____ бир томондан, иккинчи томондан “Урганч нефт база” МЧЖ Шовот филиали қўйида “Етказиб берувчи” деб номланувчи жамият номидан Ишоратнома асосида фаолият юритувчи директор в.б.б. О.Қаримов томонидан, ушбу шартномани қўйидагилар ҳақида тузилган.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Етказиб берувчи» “Истеъмолчи”га нефт маҳсулотларини “Истеъмолчи”нинг талабномада кўрсатилган эҳтиёжларига асосан тузилган ва қўйида келтирилган жадвалга биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади.

Нефт маҳсулотларининг ури	Йиллик миқдор (тонна)	1 тонна нархи (сўмда)	Тахминий умумий суммаси	Шу жумладан чораклар бўйича									
				I-чорак		II-чорак		III-чорак		IV-чорак			
				тн	Тахминий сумма	тн	Тахминий сумма	тн	Тахминий сумма	тн	Тахминий сумма		
Автобензин АИ-80 К21	0,12	10446748,35	1 253 609,79	0,12	1 253 609,79								
Дизел ёқилғиси ЭКО	0,63	11251570,00	7 088 489,10	0,63	7 088 489,10								

1.2. “Истеъмолчи” маҳсулот учун тўловни ва маҳсулотни қабул қилиб олишни томонларнинг ўзаро келишувига асосан белгиланган муддатда ва ҳажмида амалга оширишни ўз зиммаларига олади.

Шартноманинг тахминий умумий суммаси **8 342 098,89**(саккиз миллион уч юз қирк икки минг тўқсон саккиз.89т)сўмини ташкил қилади.

2. МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ.

1.3. Нефт маҳсулотлари «Истеъмолчи»га ўз автотранспортда, маҳсулот автотранспортда (транзит билан), белгиланган тартибда етказиб берилади. «Истеъмолчи» нефть маҳсулотларини ўз тасарруфидаги транспорт воситаси билан олиб кетишда, нефть маҳсулотларини ташинишда қўйиладиган барча ёнги ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилишни ҳамда «Етказиб берувчи» га нефть маҳсулотларини ташиниш бўйича молнийвий эътироз йўқлигини ўз зиммасига олади. Ушбу талаблар бажарилмаган ҳолатда автоцистерналарга маҳсулот қуйишига руҳсат берилмайди.

2.2. “Истеъмолчи”да нефт маҳсулотларини сақлаш учун идоравий нефт омбори ҳамда нефт маҳсулотларини ташиниш учун маҳсулот автотранспорт воситаси мавжуд бўлса, бундай истеъмолчиларга нефт маҳсулотлари уларнинг автотранспортга юклаб юбориш орқали етказиб берилиши мумкин. Бундай ҳолларда маҳсулотни топириши ва қабул қилиш “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг нефт омборида амалга оширилади. Маҳсулот “Етказиб берувчи”нинг омборидан “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан транспорт воситасида олиб кетилганда товар-транспорт ҳужжатлари расмийлаштирилган сана «Етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. “Истеъмолчи”нинг маҳсулот автотранспорт воситасида нефт маҳсулотларини ташиниш “Хавфли юкларни ташиниш қоидалари”га мувофиқ амалга оширилиши шарт. Акс ҳолда транспорт воситаси “Етказиб берувчи” нефт омборига киритилмайди.

2.3. Нефт маҳсулотлари “Истеъмолчи”га “Етказиб берувчи”нинг маҳсулот транспорт воситасида етказиб берилса, маҳсулотни топириши ва қабул қилиш “Истеъмолчи”нинг нефт омборида амалга оширилади. Маҳсулот “Истеъмолчи”нинг омборида “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан маҳсулотни қабул қилинганлиги тўғрисида товар-транспорт нақлиётига имзо қўйилган сана “Етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Маҳсулотни топириши ва қабул қилиш бевосита “Истеъмолчи” вакилининг хоҳишига кўра “Етказиб берувчи”нинг нефт омборида амалга оширилиши мумкин.

2.4. Нефт маҳсулотлари “Етказиб берувчи”га тегишли бўлган ёнги тарқатиш шахобчаси орқали етказиб берилса, бунинг учун “Истеъмолчи”нинг ишновчиликка мувофиқ маҳсулотни ёқилган тарқатиш шахобчасидан олиш тўғрисида руҳсатнома расмийлаштирилади. Мазкур руҳсатнома “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан ёнги тарқатиш шахобчасига тақдим қилинади. Шаҳобча оператори ўз навбатида тарқатиш варақаси юритади. “Истеъмолчи” вакилига берилган маҳсулот миқдори тарқатиш варақасига киритиб борилади. Тарқатиш варақасида “Истеъмолчи”нинг вакилининг маҳсулотни миқдоран тўлиқ олганлиги тўғрисида имзо қўйилган сана, «Етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

2.5. Маҳсулот «Истеъмолчи»нинг манзилига транзит тартибда темир йўл транспортда етказиб берилганда, темир йўл нақладойига юкин ташинишга қабул қилинганлиги тўғрисида қўйилган белгидаги сана “Етказиб берувчи”томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Бундай ҳолатларда маҳсулотни қабул қилиш амалдаги “Нефт, газ конденсати ва нефт маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ташиниш ва ҳисобини юритиш бўйича қўлашма”га мувофиқ амалга оширилади.

2.6. Маҳсулотга эгалик ҳуқуқи, тасодифий ноубуд бўлиши, маҳсулотга зиён етиш хавфи «Етказиб берувчи» шартнома мажбуриятини бажарган санадан эътиборан «Истеъмолчи» га ўтади.

2.7. Нефт база омборига маҳсулот қуйиш учун олиб келинган автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бермаган тақдирда автоцистерналар маҳсулот қуйишига киритилмайди. Мазкур транспорт воситаларининг бўш кетиши учун жавобгарлик “Истеъмолчи” зиммасига, маҳсулот маҳсулот автотранспортда ташилладиган бўлса, транспорт ташкилоти зиммасига тушади.

2.8. Нефт маҳсулотлари қўйилган автоцистерналар (Истеъмолчи”нинг автотранспортда олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно) нефт база ёки унинг бўлиқлари томонидан амалдаги метёрий техника ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарада тамгаланади. Тамгалаш “Истеъмолчи”нинг талабига биноан амалга оширилади.

2.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 апрелдаги “Нефт-газ тармоғининг молнийвий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4664-сонли қарорига асосан ва “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг 2020 йил 30 апрелдаги 28-02-98/263-сонли хатига асосан бюджет ташкилотлари, пахта хомашёси ва галла ишлаб чиқарувчи фермер ҳўжаликлари ва пахта тўқимачилик кластерлари, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ “Тошхавартрансканализ” АЖ, манавий чикондилларни тўпилаш ва олиб чиқиш бўйича давлат корхоналарига дизел ёқилғиси (шу жумладан ЭКО маркали дизел ёқилғиси) ўтган чоракдаги биржа савдолари натижаларига кўра шакллانган ўртача биржа нархларида сотади. Автобензин АИ-80 нефт база МЧЖ томонидан товар хом ашё биржасидан сотиб олинган тикетларга устама қўйилган ҳолда етказиб берилади.

2.10. “Етказиб берувчи”нефт маҳсулотлари таъминотининг узалишлари нефтни қайта ишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўл айби билан ўз вақтида етказиб бермаганлиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

3. ҲИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб-китоблар учун асос ҳисобланади. Ҳисоб-китоблар тўлов топиришига асосан амалга оширилади.

3.2. “Истеъмолчи” олаётган нефт маҳсулотлари партияси учун ҳақини олдиндан ҳақида 5 хун олдин 100% миқдорда «Етказиб берувчи»нинг ҳисоб-рақамига ҳақ тўлайди.

3.3. “Етказиб берувчи”нефт маҳсулотларини “Истеъмолчи”га ўтган чоракдаги биржа савдолари натижаларига кўра шаклланган ўртача биржа нархларидан келиб чиқиб, «Етказиб берувчи» нинг сотиб олиш ва транспортировка харажатлари ҳамда устамасини қўшиб шаклландиган нархларда сотади.

3.4. Шартнома суммаси нефть маҳсулотларини “Етказиб берувчи” таъминотидан биржа савдолари орқали сотиб олиш нархлари, нефть маҳсулотини ташиниш билан боғлиқ темир йўл харажатлари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Молния Вазириятининг қарорларига асосан ўзгартирилганда ёки нефть маҳсулотлари таъминоти корхоналарининг устама нархлари ўзгарганда, ёхуд нархлар биржа объектининг сабабларга кўра ўзгарганда шартноманинг умумий қиймати ўзгарди ушбу шартнома бўйича етказиб бериладиган нефт маҳсулотларига нисбатан янги нархлар қўлланади ва бу ҳақида шартномага ўзгартиш қилиниш учун қўшимча ҳужжат битими тўзилади.

Қўриб чиққан юрист: QURBONOV BEKZOD RAJABOVICH. Ҳужжат рақами: TM3541106313

4. НЕФТЬ МАХСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

4.1. Нефть махсулотларининг миқдори ва сифати бўйича қабул қилиб олиш қуйидагича амалга оширилади:

а) «Етказиб берувчи» нефть базасидан «Истеъмолчи» ширкати нефть махсулотини олиб чиқиши қабул қилиш ҳужжатларини ўрнатилган тартибда расмийлаштириш орқали;

б) «Истеъмолчи» транспорт орқали махсулотларини қабул қилишда амалдаги миқдор ва сифат йўриқномаларига (П-6, П-7) асосан иш юритилади.

4.2. Эгаллик ҳуқуқи, тасодифий нобууд бўлиши, махсулотга эътиб этиш хавфи «Етказиб берувчи» корхонаси ҳудудидан чиққан вақтдан бошлаб «Истеъмолчи» га ўтади.

4.3. Нефть махсулотларини миқдор ва сифати бўйича «Истеъмолчи», «Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини миқдори ва сифат жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларга амал қилинади.

5. МАХСУЛОТ СИФАТИ

5.1. «Истеъмолчи» нефть махсулотларини олаётган вақтда жойида махсулотнинг сифати ва миқдорини текшириб олади.

5.2. Етказиб бериладиган махсулот сифати Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу махсулот ортқиш ва кузатуви ҳужжатларда қайд этилган лозим.

5.3. Нефть махсулотларини олган истеъмолчи уларнинг сифатини шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. ТОМОНЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Шартноманинг ҳар бир бажарилмаган бандлари учун томонлар моддий жавобгардир.

6.2. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи» га сифати Давлат стандарт ва техник шартларга жавоб берадиган нефть махсулотларини етказиб беришни қафолатлайди. Ҳар икки томон нефть махсулотларини етказиб бериш ва қабул қилишда амалдаги 1510 ва 2517 Давлат стандарти талаблари асосида иш юритади.

Нефть махсулотларини ҳисоб — юлгоби ва тарқатилиши амалдаги қонун ва меъёrlар асосида амалга оширилади.

6.3. «Истеъмолчи» нефть махсулотларини сақлашнинг техник ва шарт-шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

6.4. «Истеъмолчи» томонидан унинг ҳудудига олиб келинган нефть махсулотларининг қабул қилишда амалдаги ёнғин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёrlари тўлиқ амал қилиниши таъминланади.

6.5. «Истеъмолчи» белгиланган муддатда олилмаган ва етказиб берилган нефть махсулотларини олишдан сەбабсиз бош тортганлиги учун «Етказиб берувчи» га олилмаган махсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдорда жарима тўлайдн ва Етказиб берувчи олилмаган махсулот учун махсулотнинг тўлиқ қийматини эътирф қилиш ҳуқуқига эга.

6.6. Ушбу шартнома бирон бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у ҳолда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва «Хўжалик юришувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунга биноан қўлланилади.

7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

7.1. Ҳар икки томон ҳам қуйидаги ҳолатларда мажбуриятларини бажарилмаганлиқда жавобгарликка тортилмайдилар;

- агарда табиий офат, сувтошқини, ёнғин, zilzila ва бошқалар оқибатида юз берса,

- нефтиникията ишлаш заводлари, «Ўзбекистон темир йуллари» ДАЖК айби билан, шунингдек юқори ташкилотлар томонидан етказиб бериш ҳажми ва муддати ўзгартирилганда, шунингдек АЕҚШлар ва нефть база фаолияти текширувчи органлар томонидан ақтинчалик тўхтатиб қўйилганда, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа қонунни белгилловчи ташкилотлар қарорига асосан нефть махсулотларини етказиб бериш ва таъминлаш механизми ва тартибига ўзгартириш киритилган ҳолларда.

8. ҚўШИМЧА ШАРТЛАР

8.1. _____ Лимит ва баҳолар ўзгариши мумкин _____

9. НИЗОЛАРНИ КУРИБ ЧИКИШ ВА ШАРТНОМАНИНГ АМАЛДА БЎЛИШНИ ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

9.1. Мазкур шартнома жорий қилинган ҳар қандай ўзгариш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳаққий ҳисобланади.

9.2. Мазкур шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай тортишув келишмовчиликлар иккала томоннинг ўзаро музокараси бўли билан ҳал этилади. Иккала томон мутаваккил ҳал эта олмайдиган баъзи масалалар белгиланган тартибда интисодий судларида ҳал этилади.

9.3. Мазкур шартнома 2 нусxada тўзилади ва тенг ҳуқуқий қучга эга.

9.4. Шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг ва агар «Истеъмолчи» бюджет ташкилоти бўлса, бунга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳудудий газетида қилинган рўйхатдан ўтган қундан қучга жаради ва 2022 йил 31 декабрғача амал қилади.

10. ТОМОНЛАРИНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Етказиб берувчи»

«Урганч нефть базаси» МЧЖ

Шовот филиали

Х/р: 22604000704268518701

МФО: 00432 ИНН: 204589421

«Ўзсавоатқурилишбанк» АТБ

Тошкент ш. Яшнобод филиали

Шовот тумани Арбоблар маҳалласи

Арбоблар кучаси 92-уй

тел: 34-51-004

Директор: _____ О.Каримов

Ички сотиш бўлими _____ С.Умаров

«Истеъмолчи»

Шовот туман Ободонлаштириш бошқармаси

Шовот туман Туркистон кўча №78

Х/р: 1000 2286 0332 3070 6520 0110 001 _____

Инн: 206945071 Инн: 201122919 _____

Марказий Банк Ташкент ХКМК _____

Х/р: 23402000300100001010 _____

Раҳбар _____ М.Қурбонов



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

1. Loyihaning turi: **Shartnoma.**

2. Loyihaning nomi: **Neft maxsulotlarini yetkazib berish №8**

«Urganch neft baza» MCHJ Shovot filiali keyingi o'rinlarda «**Yetkazib beruvchi**» deb yuritiladigan o'zining Nizomi asosida faoliyat yurituvchi direktori **O.Karimov** bir tomondan, Shovot tuman Obodonlashtirish boshqarmasi keyingi o'rinlarda «**Iste'molchi**» deb yuritiladigan Nizom asosida faoliyat yurituvchi rahbari **M.Qurbanov** ikkinchi tomondan avtomobillarga siqilgan gaz yetkazib berish uchun umumiy qiymati **8.342.098,89 (sakkiz million uch yuz qirq ikki ming to'qson sakkiz, sakson to'qqiz)** so'mlik shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot - **Shovot tumani obodonlashtirish Boshqarmasi** tomonidan 21.01.2022 yil sanasida ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Ushbu loyiha O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yildagi "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi №670-I-sonli Qonuni va amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti:



Qurbanov B.R.